



“ 07 ” май 20 13 йил

Наманган вилояти № 152 -сонли

**Вилоят ҳокимининг 2005 йил 18 апрелдаги 69-сонли  
қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида**

Вилоят ҳокимининг «Наманган вилояти ҳокими ва унинг ўринбосарлари ўртасидаги иш тақсимотини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 4 апрелдаги 63-сонли қарорига асосан ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича доимий фаолият олиб борувчи махсус комиссия аъзолари таркибидаги ўзгаришларни инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича доимий фаолият олиб борувчи махсус комиссиянинг янги таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, комиссия аъзоларининг хизмат вазифалари ўзгарган тақдирда, ушбу вазифага тайинланган шахс комиссия аъзоси ҳисобланади.

2. Вилоят ҳокимининг 2005 йил 18 апрелдаги 69-сонли қарори ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ў.Эргашев зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими

Б. Юсупов

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича доимий фаолият олиб борувчи махсус комиссия аъзолари

### ТАРКИБИ

#### Комиссия раиси:

**Ў.Эргашев** - вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари

#### Комиссия раисининг ўринбосари:

**Х.Жалолов** - вилоят ҳокимининг ўринбосари

#### Комиссия котиби:

**Б.Турсунбобоев** - вилоят ички ишлар бошқармаси  
ХООБ бўлими бошлиғи

#### Комиссия аъзолари:

**М.Шарипов** - вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатишган шахсларда ижтимоий кўникмалар ҳосил қилиш маркази раҳбарининг ўринбосари

**Ғ.Муродхўжаев** - вилоят ҳокимлигининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи

**З.Махкамова** - вилоят Касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси

**Х.Шералиев** - вилоят ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари

**Н.Қирғизбаев** - вилоят ҳокимлигининг соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи

- С.Турғунов** - вилоят ҳокимлигининг халқ таълими бошқармаси бошлиғи
- Н.Садритдинов** - Республика «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси
- О.Нуриддинов** - Республика «Нуроний» ҳайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси
- Ж.Нодиров** - Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ЁИХ вилоят бўлими Кенгаши раиси